Ушбу сонда:
2 ДАВР ОДАМЛАРИ
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
8 СПОРТЧИ ҚИЗЛАР ДОВРУҒИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 30 декабр, жума № 207-208 (2049)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Президент Ислом Каримов пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди

Ҳар бир халқнинг муқаддас қадамжолари бўлади. Инсон бундай жойларда ўз орзу-умидларини кўради. Шу маънода, Мустақиллик майдони барча юртдошларимиз учун азиз ва мўътабар маскан ҳисобланади.

Истиқлолимизнинг 14 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг бош майдонида Эзгулик аркаси бунёд этилди. Ўшанда аркани кўздан кечирган Президент Ислом Каримов бундай деган эди:

- Энди турмуш қураётган келин-куёвларимиз эзгу ният билан шу дарвозадан ўтиб, мўътабар сиймо қаршисида бир зум ўйга толса, қалбларидаги орзу-истаклари ҳақида ўйласа, ўзларига, ўзгаларга бахт тиласа. Назаримда бу сиймо бағрига гўдагини босиб турган, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандининг келажагига ишонч балқиб турган ёш ўзбек аёли - бахтли аёл тимсоли бўлиши керак. Негаки, аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади. Оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади.

Президентимизнинг бу олижаноб таклифи амалий ифодасини топди. Ватанимизнинг бош майдонида бахтиёр она монументи қад ростлади.

Янги йил байрами арафасида - 28 декабр куни Президентимиз Ислом Каримов ушбу монумент пойига гулчамбар қўйди.

- Биз гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг дастлабки кунларида ўрнатилган мазкур монументга Мустақиллик монументи деб ном берганмиз, - деди давлатимиз раҳбари. - Бугун унинг ёнига бахтиёр она сиймосини ифодалайдиган янги ҳайкал қўйилди.

Шу сабабли ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага «Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб ном берсак, ўйлайманки, жамоатчилигимиз, халқимиз бу фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Чунки мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Барчамизга маълумки, она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидойилик, бир сўз билан айтганда, эзгуликнинг ёрқин тимсолига айланган.

Мана шу икки буюк қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари, бу мажмуанинг сиёсий ва инсоний маъноси яққол мужассам, десак, хато бўлмайди. Тасаввур қилинг, олижаноб ниятлар билан янги оила қураётган минглаб ёш йигит-қизларимиз Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, ушбу монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади.

Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютуғимиз ўз аксини топган. Шу маънода, бизнинг узоқни ўйлаб, айнан мана шу монументни Ватанимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдонида барпо этганимиз катта моҳият ва аҳамиятга эга, деди Президентимиз.

Мен мана шундай табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, аввалambор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қолишига ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан.

Ислом Каримов ушбу монументнинг Янги йил байрами арафасида очилаётганида ҳам ўзига хос маъно борлигини таъкидлади.

- Мустақиллик ва эзгулик монументи - яхши ниятларимиз, беғубор орзуларимизнинг ифодаси. Яқинлашиб келаётган 2006 йил юртимизга қутбарака олиб келишига, бахтли-саодатли ва файзли йил бўлишига ишонаман, - деди Юртбошимиз.

Мамлакатимиз раҳбарининг файз ва баракотга алоҳида урғу бериши бежиз эмас. Пок ниятларимизга, эзгу интилишларимизга шу куни эрта тонгда ёға бошлаган қор ҳам ўзига хос тасдиқ бўлди. Бу дала-даштларимизга ёғилажак қут-баракадан нишонадир.

Президент Ислом Каримов «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари билан ҳам танишди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Айниқса ана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида таълим тизимидаги ислоҳотлар узвийлигини, таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлигини ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга таянишини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётгани таҳсинга сазавордир.

Замон талаблари асосида барпо этилаётган таълим масканлари, уларнинг зарур ўқув жиҳозлари ва техник ускуналар билан таъминланиши, яратилаётган янги ўқув стандартлари, дастур ва қўлланмалар, илғор педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этилиши ёшлар камолоти йўлида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Талабалар шаҳарчасининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерда олиб борилган кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Илгари «ётоқхона» деб аталган ғариб бинолар бугунги кун нуқтаи назаридан, талаба ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қисқа вақт ичида тубдан капитал таъмирланди, атрофида янги йўл ва йўлаклар барпо этилди. Дарахтларга шакл берилиб, янги кўчатлар экилди, майдонлар кўкаламзорлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари ёшларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ва унумли ўтказишлари учун яратилган қулайлик ва шароитни кўздан кечирди.

- Фарзандларимизнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш масаласи доимо диққат марказимизда бўлмоғи лозим, - деди Юртбошимиз. - Бундай замонавий шарт-шароитга эга бинолар «Талабалар уйи» эмас, «Талабалар турар-жойи» деб аталиши мақсадга мувофиқ. Аммо турар-жой дегани казарма эмас. Казарма армияда бўлади.

Шу ўринда Президентимиз «казарма» тушунчасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳатто армияда ҳам казармадан воз кечиш лозимлигини таъкидлади. Ёшларимизга - хоҳ аскар бўлсин, хоҳ талаба - бир хил, тенг қарашимиз, зарур шароит яратишимиз лозим.

Ислом Каримов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида таҳсил олаётган талабаларнинг турар-жойларида бўлиб, уларни қайта жиҳозлаш борасида тегишли тавсия ва йўл-йўриқлар берди. Жумладан, талабалар турар-жойларидаги хоналарнинг доимий равишда ораста ва файзли бўлишига эришмоқ даркор.

Замонавий мебел, жиҳозлар, техника воситалари, маиший ускуналар билан таъминланган компьютер, спорт, ювиниш хоналари, кутубхона ва ошхоналардан оқилона фойдаланиш ёшларимизнинг маданий савиясини оширибгина қолмай, билим ва тафаккурига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Зеро, ёшларимиз бошқалардан кам бўлмаган муносиб шароитда яшашга, таълим-тарбия олишга ҳақли.

Президентимиз шаҳарчадаги Талабалар маънавият ва маърифат марказида бир гуруҳ талаба ёшлар билан учрашди. Уларнинг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари ва келажакдаги режалари билан қизиқди.

Етарли даражадаги билим ва салоҳиятга эга инсонда ғурур ва ифтихор ҳам юксак бўлади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Ёшларимиз ҳаётнинг мураккаб жиҳатларини тўғри англай оладиган, сабаб ва оқибатнинг негизига етиб борадиган, бундай тушунчаларнинг маъно ва мазмунини чақадиган авлод бўлиб етишишларига ишонаман. Шаҳарчада амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Бинобарин, қулай, замонавий шароит ёшларимизнинг мустақил фикрининг шаклланишида, тафаккур доирасининг кенгайишида, илмга бўлган қизиқишининг кучайишида, қалбида она-Ватанга, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Юртбошимиз Талабалар маънавият ва маърифат марказида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан тузилган клублар фаолияти билан танишди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар берди.

Тошкент Марказий темир йўл вокзали биноси ва унинг атрофида ҳам сўнгги ойларда тубдан реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари Мустақиллик байрами арафасида бу ерда бўлиб, ушбу иншоотни таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берган эди. Ўтган вақт мобайнида вокзалнинг асосий биноси, чиптахоналар, кутиш заллари тўла таъмирдан чиқарилди.

Бу ердаги Тошкент минтақавий темир йўл узели бинолари ҳам асосий бинога мутаносиб тарзда реконструкция қилинди. Натижада ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари кўзини қувнатадиган яхлит ва муҳташам мажмуа бунёд бўлди.

Президентимиз вокзал биносидаги шинам ва ёруғ кутиш заллари, ресторан, расмий меҳмонлар хонаси, шунингдек, перрон билан танишди. Вокзал олдидаги фаввора ва асосий бинога туташ очиқ айвонларни кўздан кечирди.

Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини бажарганларга миннатдорлик билдирди. Зотан, темир йўл вокзали мамлакат дарвозаларидан бири бўлиб, юрт ҳақида тасаввур уйғотишда унинг ўрни ва аҳамияти катта.

- Ушбу вокзал биносининг пойдевори 1901 йилда қўйилган. Кейинги қирқ йил ичида мутлақо таъмирланмаган, - дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси О.Раматов. - Истиқлол йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси билан мазкур гавжум иморатни тубдан реконструкция қилишдек улкан иш муваффақият билан адо этилди.

Мамлакатимизда юкларнинг қарийб 90 фоизи темир йўл орқали ташилади. Бир кеча-кундузда 45 минг йўловчига хизмат кўрсатилади ва шунинг асосий қисми Тошкент Марказий вокзали зиммасига тўғри келади. Шу боис эски бинони замон талабларига мос даражада реконструкция қилишда хавфсизлик масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Вокзал биносида йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Оналар ва болалар хонаси, бизнесзал, ҳарбийлар зали, ресторан, қаҳвахона ва буфетлар ишлаб турибди. Алоқа бўлими, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув масканлари, интернет-кафе, маълумотхона, юк сақлаш хоналарида йўловчилар учун тегишли қулайликлар яратилган.

Энг муҳими, мажмуани таъмирлашда илғор муҳандислик андозалари, миллий ва замонавий меъморчилик мезонларига таянилди. Эндиликда Тошкент Марказий темир йўл вокзали ўзининг ноёб ва бетакрор меъморий-муҳандислик ечими билан алоҳида ажралиб туради.

Ҳа, бугун пойтахтимизнинг кўркам ва хушманзара кўчалари, майдонлари бўйлаб сайр қилиб, эл-юртимиз тинчлик ва тараққиёт, ободлик ва фаровонлик йўлидан собит ва дадил қадам ташлаётганига гувоҳ бўламиз.

Чор-атрофимизда янги қад ростлаган кўркам ва маҳобатли иморатлар, қайтадан сайқал топган бинолар, кенг ва равон йўллар, ораста боғ-роғлар, майдонлар завқимизни оширади. Ана шу яратувчанлик ва бунёдкорлик тимсолида Истиқлолнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини янада теранроқ англаймиз.

Зеро, мустақиллик йиллари Ватанимиз буюк ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Юртдошларимиз қалби ва онгида ўзликка ишонч, фахр ва ғурур туйғулари кучайди. Истиқлол шарофати туфайли халқимизнинг бунёдкорлик фазилати шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод қиёфаси тимсолида ўзининг мафтункор, илҳомбахш қирралари билан яққол намоён бўлаётир. Бу барчамизни бирдай қувонтиради.

Анвар БОБОЕВ,
Норали ОЧИЛОВ,
Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида


Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 10 январга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 10 январ дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 29 декабр



«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТОМОШАЛАРИ БОШЛАНДИ

Юртимизда Янги йил байрами кунлари ўтказиладиган «Президент арчаси» томошалари болажонларимиз учун сершавқ ва қувончли шодиёнага айланган. Бунда ўғил-қизларга Юртбошимиз номидан совға-саломлар топширилади. Янги йил айёмига бағишланган қизиқарли саҳна асарлари, куй-қўшиқлар, рақс ва томошалар намойиш этилади.

Кичкинтойларнинг бу йилги байрам томошалари пойтахтимизнинг «Туркистон» саройидан бошланди. У Ўзбекистон Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унга пойтахтимиздаги барча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, серфарзанд, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари тақлиф этилди.

Тантанада Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни пухта билимли, соғлом ва баркамол инсон-лим стандартлари асосида ўқув дастурлари ва дарсликлар яратилмоқда. Бундай эзгу юмушларда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамғармалар билан бирга ҳомий ташкилотларнинг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги қувонарлидир. Айни пайтда кириб келаётган 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йилида хайрли ишлар кўлами ва миқёси янада кенгайишига шубҳа йўқ.

...Мусиқа янграб, Қорбобо билан Қорқиз кириб келади. Саҳналаштирилган эртак қаҳрамонлари эса кичкинтойларни гўё бутунлай сеҳрлаб олади. Қизиқарли спектакл болалар мусиқий жамоалари, санъат усталари, ёш ижрочилар ҳамда цирк усталарининг байрам дастурига уланиб кетади. Байрамнинг ўзига хос рамзига айлар этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг яна бир ёрқин исботидир. Мазкур ҳужжатга кўра юртимизда кўплаб янги билим масканлари бунёд этилмоқда, мавжудлари тубдан қайта таъмирланмоқда, замонавий жиҳоз ва техник ускуналар билан таъминланмоқда. Таълим жараёнига илғор педагогик технологиялар жорий этилиб, такомиллашган давлат таъ-



ланган «Президент арчаси» қўшиғи ёш томошабинлару санъаткорлар ижросида жўр бўлиб куйланади.

Томошалар якунида болаларга давлатимиз раҳбари номидан совғалар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

«Президент арчаси» томошалари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

МЕҲРИБОНЛИК ФАРИШТАЛАРИ

Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлашга катта эътибор билан қараб келинмоқда. Жумладан, Наманган вилоятида шу кунда тўрт жойда тиббиёт коллежлари фаолият кўрсатяпти. Барча шаҳар ва қишлоқдаги касалхоналар, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Соҳа мутахассислари сафини кенгайтириш, малака-маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор қаралтиляпти. Биргина бизнинг коллежимизни мисолга олайлик: билим юртимиз ўз фаолиятини бошлаганда 150 талаба ўқишга қабул қилинган бўлса, бугунги кунда 1800 йигит-қиз тиббиёт фани сирларини ўрганмоқда. Уларга чуқур билим ва малакага эга бўлган ҳамда катта тажриба орттирган олимлар ҳамда мутахассислар таълим-тарбия бермоқдалар.

Шу ўринда Салимахон Абдуразоқова, Манзурахон Мамадалиева, Мунаввархон Аббосова, Абдуллажон Оқбоев, Рустамжон Содиқовлар номини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Коллежимизда талабаларнинг чуқур билим олишлари, танлаган соҳаларини ҳар тарафлама пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бизда ҳамширалик, акушерлик ва стоматология бўлимлари мавжуд бўлиб, ҳар бир машғулот амалиёт билан боғлаб ўтилади. Бу эса талабаларимизнинг мавзуни яхши ўзлаштириб боришларига ёрдам бермоқда.

Кейинги йилларда билим даргоҳимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан бир мунча ишлар қилинди. Чунончи, коллеж, ошхона ва ётоқхона биноларини қайта таъмирлаш мақсадида 638 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада коллежимиз ўзгача қиёфа касб этди.

Бундан ташқари, давр талабига тўлиқ жавоб берадиган ҳашаматли спорт иншооти, гимнастика зали, 20 мингдан ортиқ китоб заҳирасига эга бўлган кутубхона, ўқув-машғулот зали, 250 ўринли тантаналар зали талабалар ихтиёрида.

Биз ўқув ва амалиёт ҳамкорлигини мустаҳкамлашга катта эътибор билан қараймиз. Коллежимиз ҳудудига туташ 3700 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган икки маҳаллани ўз оталиғимизга олганмиз. Бу ерда яшайдиган одамлар саломатлигини назорат қилиб борамиз. Зарур топилса, шифохоналарга йўлланмалар берилади.

Коллежимизда талабалар ижтимоий ҳимоясига алоҳида аҳамият берилади. Улар соғлиғи назоратдан ўтказиб борилади, дори-дармондан ёрдам кўрсатилади.

Муҳаббат БОЛТАЕВА,
Чортоқ тиббиёт коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ШОШИЛАЙЛИК

Ҳомий, бу аввалambор саховатли бўлиш, беғараз ёрдам бериш дегани. Бу сўзлар замирида жуда катта маъно борлигини англадим. Бир пайтлар Фозил бобо «Шарофатхон болам, ерни ардоқлаганни эл ардоқлайди. Агар мўл-кўл ҳосил етиштириб бой бўлсанг, бошқаларнинг ҳам бойишига кўмаклашгин» дер эдилар. Пахтачилик илмини сув қилиб ичиб юборган бу табаррук инсоннинг ана шу ўгити бир умр ёдда қолган. Шу боис ҳар йили фермерлик ортидан келган даромаддан тумандаги болалар боғчалари, мактаблар ҳамда кам таъминланган хонадонларга ёрдам пули ажратаман. Бу нарса биз учун одатий тусга кирган.

Ушбу йилда ҳам умр йўлдошим Муҳаммаджон Фозилов, ўғилларим Узоқбой, Хайрулла билан биргаликда мавжуд майдонларда пахта, ғалла етиштирдик. Мўл ҳосил олиш учун аввало ерни созладик, йил давомида экинзорларга сифатли агротехник ишлов бердик. Чунки, ерни боқсанг боғ бўлади, деганлар. Меҳнатнинг кучига ишонаман. Астойдил ишлаган одам ўзгалар дастурхонигаям барака бахш этади. Эл-юртни бойитишга муносиб улуш қўшади.

Йил охирида пахта ҳосили бўйича шартномавий режани ошиғи билан уддаладик. Ҳирмон донга тўлди. Олинган даромаддан болалар муассасаларига ҳомийлик ёрдами кўрсатдик. Одам одамга ҳамиша керак, шундай, экан бир-биримиздан меҳримизни дариғ тутмаслигимиз лозим.

Шарофат ФОЗИЛОВА,
Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги «Фозил бобо» деҳқон-фермер хўжалиги раиси

ДИЛ ҚУЛФИ МЕҲР-ЛА ОЧИЛУР

«Йил ўқитувчиси» республика кўрик-танловининг туман босқичида биринчиликни олиб қайтаётганимда муваффақиятим сабабини сўраб қолишди. Уларга болалар билан ишлашда ўзига хос усуллардан фойдаланишимни гапириб бердим. Яъни, педагог ўқувчи қалбига йўл топиш учун психолог ҳам бўлиши зарур. Айтайлик, бола мактабда хафароқ кайфиятда юрибди, ўзлаштириши ҳам суст. Демак, у кимдандир ранжиган. Бундай вақтда болага жуда яқин кишисидек муомала қиламан. Нима қилиб бўлса-да, кўнглига йўл топаман, боланинг «очилиши»га имкон яратаман. Қарабсизки, бола сизга меҳр қўяди...

Муҳтарам Президентимиз шундай уқтирдилар: «Айни пайтда бутун халқимиз, аввалambор ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат фазилатларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятимиз бўлмиш бу ҳаракатни янада кучайтириш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор». Чиндан ҳам ёш авлод юрагида она юртга, озод Ватанга муҳаббат ва садоқат уйғотиш биз педагогларнинг асосий вазифамиз саналади. Бунинг учун уларнинг китобга, дунёга меҳр билан қарашига имкон яратмоғимиз лозим. Ўқитувчи бир томондан меҳр-мурувати, фидойилиги билан ўқувчисининг ҳомийига айланса, яна бир томондан унинг дил қулфини илиқ сўз билан очгувчи шифокор ҳамдир! Қачонки, ўқувчи устозига ишонса, мактабга бориш учун ўзида кучли иштиёқ сезсагина у дарсни яхши ўзлаштиради, чуқур билим олишга интилади. Демак, Янги йилда ушбу йўналишда қаттиқ ишлашимиз керак.

Мамлакат ЙЎЛДОШЕВА,
Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 69-мактаб ўқитувчиси

Давр одамлари

Оролбўйининг йирик агросаноат минтақаларидан бири Қораўзак иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бориб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида кувончли ютуқларга эришаяпти. Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳада чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берганлиги аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни таъминлаяпти.

ЕРДА ҚОЛМАС ЧЎПОН ТАЁҒИ

Дала-даштлар қиш уйқусига кирган. Мавсумда чўпон-чўлиқларнинг меҳнати янада ортади. Қуёшсиз кунларда ҳам, қаҳратон совуқли тунларда ҳам қўй-қўзилар қишлаётган отарларни тарк этишмайди.

«Қорақалпоғистоннинг 40 йиллиги» ширкат хўжалиги яйловларида 16125 бош майда моллар боқилаётган бўлса, унинг 6 мингтасини совлиқлар ташкил этади. Яйлов баҳодирлари чорва молларини қишловдан бехатар олиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилишаётир.

«Қосшиқ», «Жаланаш», «Бекенши», «Ақурма», «Бийсек кран» каби яйловларда чорва ортидан юрган Д. Сергалиев, Б. Каниёзов, А. Дарибоев, А. Нуримов, С. Сарсангалиев, Т. Тауманов, Б. Табаев сингари чўпонларнинг отарларида қиш мавсуми беталофат ўтаётир. Хўжалик раҳбарияти ва касаба уюшма фаоллари чорвадорлар аҳволидан хабар олиб, фермаларга қўшимча озуқа, техника воситалари, ишчи кучи ажратган. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишки кийим-кечак билан тўлиқ таъминланган.

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилди. Туманда 526 та фермер хўжаликлари, 51 та кичик корхоналар ишлаб турибди. Янгидан 22 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олиниб, 302 та янги иш ўринлари яратилди. 6 та ширкат деҳқон-фермер хўжаликларига айлантирилди. Хусусий корхоналар томонидан 200 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 12506 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган зироатчилар давлатга пахта ва дон топшириш шартнома режаларини бажариб, бўлғуси мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар. Машина-трактор парки масъулияти чекланган жамияти йилни 306 миллион сўм фойда билан якунлади.

Фермерлик фаолиятини кенгайтириш, тармоқнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини ошириш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирлар «Қорақўл» хўжалиги ҳудудида тузилган Довулвой оға Шомуродов бошлиқ кичик жамоага муваффақият келтирди. 20 гектар майдонда ғўза ўстирган тажрибали деҳқонлар ҳосилдорликни режадагидан анча ортиғи билан уддалашди. Даромаддан фермер хўжалиги учун лизинг асосида техника сотиб олиш ва ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилашга имкон туғилди. «Пахтабанк»нинг туман бўлими томонидан тадбиркорларга 250 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилганлиги иш ривожига қанот бағишлаяпти.


Ота-боболари касбини давом эттириб келаётган Дарибой Турдимуродовни нафақат туманда, балки Қорақалпоғистонда тажрибали ҳунарманд сифатида билишади. Падарибузрукворидан усталик сирларини қунт билан ўрганган Дарибой оға ўғли Борлиқбойни ҳам ҳунарманд қилиб тайёрлади. Эндиликда улар қўлида сайқал топган безакли дарвоза, эшик ва дераза, турли хилдаги уй-рўзғор буюмлари ҳамиша харидоргир.

Нон — ризқу-рўзимиз, дастурхонимиз зийнати. Аразим опа Исаева раҳбарлик қилаётган хусусий корхонада бўрсилдоқ нонлар тайёрланади. Йигирма йилдан буён новвойлик касбини улуғлаб келаётган Аразим опа Лиза Калимбетова, Наргиза Полвонова, Фозил Раимов каби шогирдлари билан аҳоли дастурхонига сифатли, ширмой нонлар етказиб беришаяпти.

Тадбиркорнинг саъй-ҳаракатлари билан янги ускуна сотиб олиниб, хилма-хил печеньелар тайёрлашга ҳам киришилди.

Кейинги йилларда туман қиёфаси ўзгариб, кенг кўламдаги қурилиш-ободончилик ишлари авж олдирилди. Янгидан 6 та умумтаълим мактаби, 6 та овул врачлик пункти, аёллар поликлиникаси, касб-ҳунар коллежи, турар-жойлар бунёд этилди.

Осиё Тараққиёт Банкининг молиявий кўмагида 5,6 километр масофага қувур ётқизилиб, 188 хонадонга, юқумли касалликлар шифохонаси ва ўрта мактабга тоза ичимлик суви келтирилди. Тумандаги «Адулар» хусусий корхонаси халқаро грант асосида 40 минг АҚШ доллари миқдоридаги




Қиш келиши билан аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи тезда ортиб кетади. Электр энергиясидан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишгина ҳар икки томон учун энг мақбул йўл эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

Қизилтепа туман электр тармоқлари корхонаси айни пайтда 18 мингдан ортиқ аҳоли, 329 та юридик истеъмолчи ва 533 нафар жисмоний шахсларга хизмат кўрсатмоқда. Корхонада дебитор қарзларни камайтириш, электр энергиясининг ортиқча сарфланишига йўл қўймаслик учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Аҳоли қарздорлиги ҳозиргача 70 миллион сўмга камайди.

Нурчилар тумандаги мавжуд 47 та маҳалла билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани кўзланган натижани бермоқда.

Суратларда: бош муҳандис Қамбар Рамазонов ва ишчи Ҳожиқурбон Жумаев; корхонанинг кўриниши.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар



Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Тошкент вилоятининг шимолий қисми Тяншан тоғларига уланиб кетади. Иқлими, сўлим табиатининг гўзаллиги билан дилларга ором бахш этади. Боғу роғлари, турли нав узумлари, меваларининг довруғи етти иқлимга етган.

«ГУЛБОҒ» ЧИРОЙИ

Паркент катта йўли ёқасида «Гулбоғ» ширкат хўжалиги жойлашган.

Унда 1100 дан зиёд киши пудрат асосида меҳнат қилади. Умумий майдони 7 минг гектар ер ерда асосан ғалла, узум, мева, сабзавот-полиз, озуқа экинлари парваришланади. 5800 гектар ер лалми ва яйлов-чорва ерлари ҳисобланади. Ширкат аъзоларининг ўртача ойлик маоши 120 — 150 минг сўмни ташкил қилади.

Ширкат фермасида 900 бош қорамол, 3500 бош қўй ва 100 дан зиёд йилқи боқилади. Натижалар чакки эмас. Даромад ҳам шунга яраша.

Албатта, ушбу муваффақиятларнинг замирида ташаббускорлик ва омилкорлик ётади. Ширкат яна 3 та кичик ширкатга бўлинган бўлиб, ҳар бир ширкат, ферма, механизация бўлимлари ўз ҳисоб рақамига эга ҳолда, хўжалик ҳисоби асосида иш юритади. Шунинг учун ишчилар ўз ерларида меҳнат қилаётгандек ҳис қилишади ўзларини. Кичик ширкатлар тажрибали, ўз ишининг етук мутахассислари Салоҳиддин Ҳусомиддинов, Қобилжон Холдоров, Тоҳир Олимов, Неъмат Шарипов, Аҳмад Маърупов, Шуҳрат Ҳикматовларнинг саъй-ҳаракати туфайли бугун ривожланмоқда.

Ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Умар ака Умматалиев ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Фориҳа Эгамбердиевалар томонидан ҳамкорликда уюштирилаётган тадбирлар ҳам қишлоқ аҳлини меҳнатга рағбатлантирмоқда. Уруш қатнашчилари, ногиронлар, пенсионерлар, фахрийларга меҳр-мурувват кўрсатилмоқда.

Кейинги йилларда ободончиликка катта аҳамият берилди. Барча хонадонлар ичимлик суви, электр манбаи, табиий газ билан тўла-тўкис таъминланди.

Ширкат хўжалиги ҳудудида 650 ўринли ўрта мактаб, 250 ўринли янги лойиҳа асосида қурилган болалар боғчаси фаолият юритмоқда. Мактаб қошидаги ёзги стадион, қишки спорт залида ўқувчиларнинг барча спорт турлари билан шуғулланишлари учун имкониятлар мавжуд. Паркентликларнинг миллий кураш спортига қизиқишлари ота-боболаридан анъана бўлиб ўтган. Ака-ука полвонлар Умар ва Имом Маҳаматовлар, Камол ва Жамол Тўраевлар республика миқёсида совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Яқинда қишлоқ аҳолиси янги йил совғасини қабул қилиб олди. 2 қаватли қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Бу шифо масканида 10 ўринли кундузги муолажа хонаси, физиотерапия, муолажа, турли соҳа шифо хоналари мавжуд. Келгусида ҳар хил спорт заллари, саломатликни тиклаш, тренажёр хоналарини ишга тушириш мўлжалланган.

Ҳа, чиндан-да, 2005 йил қишлоқ аҳли учун баракали ва қувончли бўлди. Қатор маданий-маърифий мажмуалар — 500 ўринли тўйхона, ошхона, меҳмонхона ҳамда 200 хонадонга мўлжалланган мини телефон станциялари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Ерни эъзозлаб, ўз ризқига барака киритаётган деҳқоннинг ҳаёти тобора яхшиланиб бормоқда.

Р.ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ИШ БОШЛАДИ

Янги йил арафасида Жиззах шаҳридаги «Меҳр-мурувват шаҳарчаси» ёнида вилоят ахборот-кутубхона марказининг янги биноси қад кўтарди.

Ушбу зиё масканида нодир китобларнинг электрон варианти ва интернет тармоғидан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Интернет орқали Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларидаги йирик кутубхоналар билан тўғридан-тўғри алоқа йўлга қўйилган. Энди бу ерда жиззахлик китобхонлар жаҳон кутубхоналаридаги ноёб адабиётлардан ҳам баҳраманд бўла олади.

Ахборот-кутубхона марказида 38 нафар кутубхоначи ўн мингдаб китобхонларга хизмат кўрсатяпти.

- Электрон кутубхонанинг очилиши вилоятимиз ҳаётида катта воқеа бўлди, - дейди республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси Иброҳим Донишев. - Ахир, фарзандларимиз Жиззахда туриб дунёнинг бошқа чеккасида сақланаётган китобларни ўқиса, бундан қувонмай бўладими?!

Марказ биносини барпо этишда «Камол» кўп тармоқли фирмаси бунёдкорлари 150 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

(ЎзА)

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Халқимизда агар иморатнинг пойдевори қийшиқ бўлса, уни самога қадар юксалтирсанг ҳам ўз ҳолида қолаверади, деган пурмаъно ҳикмат бор. Худди шундай иборани ноконуний буйруқ чиқариб, унинг тўғрилигини исботламоқчи бўлган раҳбарларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Термиз педагогика коллежининг ўқитувчилари Акмал Юсупов, Шоира Тўхтасинова ҳамда Гулнора Алимардоновалар ҳаётида ҳам шундай воқеа рўй берди.

ҚИЙШИҚ ПОЙДЕВОР

Келинг, бир бошидан бошлайлик. 2005 йил 3 сентябрда коллеж директори А. Саидов раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда юқорида биз номларини келтириб ўтган ўқитувчилар меҳнат интизомини бузганликлари ҳамда йўл қўйган камчиликлари рўкач қилиниб уларнинг раҳбарият билан тузган меҳнат шартномалари бекор қилинди. Буйруққа асос қилиб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддасининг 4-банди асос қилиб олинди.

Бундай буйруқдан норози бўлган А. Юсупов, Ш. Тўхтасинова ва Г. Алимардоновалар Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашига ариза билан мурожаат этишади. Уларнинг аризалари кенгаш мутахассислари томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, коллеж раҳбарияти томонидан юқорида номи келтирилган ўқитувчиларга нисбатан Меҳнат кодекси 100-моддасининг 4-банди қўлланилиб, мутлақо ноқонуний йўл тутилган. Текшириш якунида коллеж раҳбарининг ўқитувчилар билан Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 147-сонли буйруғи бекор қилинди. А. Юсупов, Ш. Тўхтасинова ҳамда Г. Алимардоновалар ўз вазифаларига қайта тикланишди.

Н. РАФИҚОВ

«НАФОСАТ» КЛУБИДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов куни кеча пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бўлиб, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ёшларнинг илмга бўлган қизиқишининг кучайишида, қалбида она-Ватанга, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Шаҳарчадаги Талабалар маънавият ва маърифат марказида ёшларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан тузилган клублар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ўз тавсияларини берди.

Шу муносабат билан марказда «Нафосат» қизлар клуби ташкил этилди. Унинг очилишида хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, шифокорлар, ўқитувчилар, талаба ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши, пухта билим олиши ва бўш вақтини унумли ўтказиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

«Нафосат» қизлар клуби фаолияти ҳам талаба қизларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини янада оширишга қаратилади. Унда шаҳарчада истиқомат қилувчи қизлар учун турли фанлар йўналишлари бўйича тўгараклар фаолият олиб бориши баробарида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни асраб-авайлашга доир тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

(ЎзА)

Инсоф сари барака

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

КУНЛИК ТУШУМ ОРТИШИГА ЭРИШИЛДИ

Жумладан, жорий йилда 584 та нақд пул тушумига эга бўлган субъектларда белгиланган тартибда қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, шундан 569 тасида турли қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. 240 ҳолатда 758.3 миллион сўм банк муассасасига топширилмаган, 267 ҳолатда эса 245 миллион сўм назорат касса машинасини «четлаб» ўтган. Натижада 284 нафар ҳуқуқбузарга 12.7 миллион сўм жарима солинди. 123 та текшириш материаллари прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚҚ бўлимларига тақдим этилиб жиноий иш қўзғатилди.

Масалан, Андижон туманидаги «Ҳамкор маиший хизмат» хусусий корхона сотувчиси савдодан тушган яхшигина суммани назорат касса машинаси у ёқда қолиб киссага кирим қилган. Бу ҳам етмаганидек, ҳеч қандай ҳужжатсиз 76 кути чет эл тамаки маҳсулотини муомалага қўйган. Унинг фаолияти солиқ ходимлари томонидан фош этилди. Корхонага 783 минг сўм жарима солинди.

Шунингдек, Кўрғонтепа туманидаги «Х-Авлод» ХСИЧФ фаолияти солиқ ходимларида шубҳа уйғотди. Кўза кунда эмас, кунида синади деганларидек, тезкор текширув ўтказилганда 17447,7 минг сўм савдо тушуми НКМга кирим қилинмаганлиги маълум бўлди.

Қорасув шаҳар солиқ ходимлари томонидан «Турон йўллари» хусусий фирмасида қисқа муддатли текширув ўтказилганда, шу вақтгача НКМ ўрнатилмаганлиги ҳамда савдодан тушган 8 миллион сўм банк муассасасига топширилмаганлиги аниқланди. Окибатда фирмага нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида ва 8 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди. Раҳбарга нисбатан эса жиноий иш қўзғатилган.

— Наҳотки тадбиркорларимиз қанчадан-қанча пенсионер, талаба, ишчи-ходимларнинг ўз вақтида пул олиши савдодаги нақд пул тушумини банк муассасасига топширишга боғлиқ эканлигини била туриб бунга эътибор қилишмаса, - дейди вилоят қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўлими бошлиғи С.Тошпўлатов. — Шу мақсадда тадбиркорларнинг кунлик нақд пул тушуми тўлиқ ҳисобга олиниши ва банклардаги ҳисоб рақамларига ўз вақтида топширилишини таъминлаш учун ҳамда савдо ва умумий овқатланиш шохобчасида тушум миқдорини аниқлаш бўйича кўп бора хронометраж ўтказилди. Натижада ўртача кунлик тушум олдингига нисбатан 525 миллион сўмга ортди.

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Излаган имкон топар

ОРТИҚЧА ТЕКШИР-ТЕКШИРЛАРДАН ҚУТУЛГАЧ

Газетамизнинг ўтган йилги сонларидан бирида босилган мақолада Норин туманидаги айрим ташкилотлар фермерларни кўллаб-қувватлаш ўрнига улар ишига халақит бераётганлиги таъкид қилиниб, жумладан, Турсунали фермер мисолида бу нарса таъкидлаб ўтилган эди.

Ана шу Турсунали Ҳамроқуловни куз ўрталарида вилоят пахта тайёрлаш йиллик топшириғини муваффақиятли бажарганлиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда учратиб қолдим. Кайфияти чоғ, ўзи ҳам анча ёшариб кетгандек эди. Кўчоғлашиб кўришдик.

– Қалайсиз, деҳқон бобо? Ишлар юришиб кетдими? Йиллик топшириқларни бажариб олдингизми? – Гарчи топшириқни бажармаганлар бундай йиғилишларга таклиф қилинмаслигини билсам-да, гап олмоқчи бўлиб сўрадим.

– Ҳаммаси жойида, ака, ҳамма иш ўрнига тушган. – Турсунали омадли одамларга хос оҳангда жавоб қайтарди.

Йиғилиш бошланишига пича фурсат борлигидан четга қўйилган ўриндиқлардан бирига ўтирдик. Газетада мақола чиққандан кейин анча воқеалар юз берибди. «Уйдаги гапни кўчага чиқарадиган фермер» даласига ташриф буюрадиган, «ишлари билан танишадиган» комиссиялар ва «текширувчилар»нинг оёғи узилмай қолган.

– Ўзиям бунақа қаттиқ ишламаганман, - кулиб эслайди Т.Ҳамроқулов. – Ишонсангиз, ҳали кўкламнинг изғирин шамоллари тўхтамасдан, чигит униб чиқмасдан туриб дала бошига чайла тикиб чиқиб олдим. Бизда баҳор ва кузда Қорадарё тарафдан эсадиган шамол қанақа бўлишлигини биласиз, баданингизнинг бу томонидан кириб иккинчи тарафидан тешиб чиқиб кетайин дейди. Тунлари чайлада кўрпа-ю полосга ўралиб ётиб оламан денг..

Турсунали манглайидаги ажинлар қатини ёзмоқчидек кафти билан силаб қўйди-да, давом этди:

– Худди ўша кезларда, аниқроғи, чигитни экиб қўйиб меҳмон кутаётган одамдек уруғнинг униб чиқишига кўз тикиб тоқатим тоқ юрган кунларда туман ҳокими келишини айтиб қолишди. Тўғриси, ҳам чўчидим, ҳам қувондим. Майли, келса келсин, мен ҳам юрагимни бир ёзиб олайин, дедим ўзимга ўзим.

Раҳбар кўп куттирмади. Қуёш терак бўйи кўтарилмасидан бир жуфт енгил автомобил дала четига келиб тўхтади. Улардан ҳоким бошлиқ бир неча киши, жумладан, негадир кейинги пайтларда бот-бот келиб менинг асабимга тегиб, тирноқ остидан кир излаб юрган мутахассис ҳам тушиб келди. Гуруҳ мен етиб боришимни ҳам кутмасдан пайкалга кириб кетди ва эгатларни кўздан кечира бошлади. Ярмидан кўпининг қўлида чўп, тупроқни ковлаб экилган уруғни кўздан кечиришди.

Етиб бориб салом бердим, сўрашган бўлдик.

– Шу пайтгача чигитингиз униб чиқмаяпти-ку, оқсоқол, - деди ҳоким саломимга алик олиб қўл узатаркан.

– Шунақароқ, - дедим ва ҳокимнинг бу эътирози кун оралаб даламга ташриф буюриб жонимга теккан «вакил» етказган иғволар «меваси» эканлигини яхши тушуниб турсам-да, ўзимни билмаганликка олдим. – Менинг даламда чигит ён-атроф хўжаликлар ва хатто, ўзимизнинг ширкат хўжалигимизнинг бошқа жойларига нисбатан ҳам кечроқ юз кўрсатади, сабаби, ўн беш-ўн олти йил илгари бу ернинг ўрни қамиш ўсган кўл бўлган, ўта захкаш. Сўнгги йилларда ҳам бу ерда пахта яхшироқ етишмаётганлигининг боиси шунда. Худо хоҳласа, бу йил пахта бўлади. Негаки даламиз атрофидаги зовур ковланди, зах анча чекинди.

Кейин бугун-эрта тупроқ остидан бош кўтариб қоладиган уруғни кўрсатдим.

– Индинга йўлингиз тушса, тўхтаб ўтинг, шу эгатлар яшил маржон тақади, - дедим ишонч билан.

Ҳоким елкамга қоқди:

– Гапингизга ишонаман, оқсоқол!

Биздан салгина нарида турган ва менинг даламда кунда-шунда меҳмонга айланган «вакил» ҳокимга пайкалнинг гоҳ у, гоҳ бу еридаги муштдек-муштдек кесакларга имо қилди.

– Кўриб бўлдик, - деди ҳоким қўл силтаб. – Энди бундан бу ёғига оқсоқол ваъдаси-ю гапларига ишонаман!

Ҳоким жўнаб кетишидан олдин фермернинг қўлтиғидан тутиб сўради:

– Оқсоқол, кечирасиз-у, айтгандай мутахассислигингиз нима? Ўқиганмисиз? Бирон мутахассисликингиз борми?

– Ўқиганман, асли мутахассислигим қурувчилик, - жавоб қайтарди Турсунали.

Ҳақиқатан Т.Ҳамроқулов аслида қурилиш техникумини тугаллаган. Вилоятнинг кўпгина қурилиш ташкилотларида ишлади. Ҳатто, «Наманганводстрой» трести маъмуриятида ҳам дурустгина лавозимда фаолият кўрсатди. Ўзи Норин туманида туғилганлиги ва шу ердаги Кемабоши қишлоғида яшаши, ота-онаси кексайиб қолганлиги туфайли қишлоққа қайтишга мажбур бўлганлигини айтди.

Ҳаётда туғма ташкилотчилик ва ҳар нарсага қобилиятли кишилар учраб туради. Турсунали ҳам ана шундайлар тоифасидан эди. Бинобарин, хўжаликдагилар Турсуналидаги шундай фазилатни эътиборга олиб бригадирликка тайинлашди. Т.Ҳамроқулов бир неча йил бу вазифани дурустгина уддалади. Топшириқ режаларни доимо орттириб бажаришга эришди. Мустақилликдан кейин юз берган ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар уни бефарқ қолдирмади. Биринчилар қаторида фермерлик ҳаракатига қўшилди.

Ҳоким Ўктамжон Эргашев сўзининг устидан чиқди. Орадан ўн-ўн беш кун ўтгач Турсуналининг даласида тўхтаб ўтди. Яшил тус олган эгатларни кўриб хурсанд бўлди ва муваффақият тилади. Ҳатто, туман миқёсидаги йиғилишда фермернинг номини тилга олди.

– Экин майдонларингиз захкаш ҳудудда жойлашганлиги барибир ўсимлик ривожига салбий таъсир этмадими? - сўраймиз фермердан.

– Ҳамма нарсанинг, жумладан, деҳқончиликда эришиладиган ютуқлар онаси меҳнат, - жилмайиб жавоб қайтаради фермер. – Ўғил-қизларим, ҳатто, ҳашарга чиққан қариндош-уруғлар ҳам қаттиқ ишладик. Ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштирдик. Яхши ишлаганлигимиз, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширганлигимиз туфайли 88 тонна дон йиғиштириб олиб, бу борада берган ваъдамиз устидан чиқдик. Ғўза ривожини тезлаштириб, ён-атрофдаги майдонларда деҳқончилик қилаётганлар даражасига етказиб олдик. Ҳар гектар майдон ҳисобига пахта ҳосилдорлигимиз деярлик 30 центнерданга тўғри келди.

Тантанали йиғилишда Норин тумани пахтакорлари ва ғаллакорлари эришган ютуқлар, уларнинг Наманган вилоят қишлоқ хўжалик ходимлари эришган муваффақиятига қўшган ҳиссаси ҳақида гап кетганда, Турсунали Ҳамроқулов ва у бошдан кечирган қийинчиликларини эсладим. Яқинда Турсуналининг шаҳарда ишлайдиган ўғлидан эшитдим. Фермер мана шу қиш кунларида ҳам дала бошига чиқиб кетибди, келгуси йил ҳосили учун ҳозирлик кўраётган экан.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

Савол: Маъмурий бошқарув тизимида ишловчи ходимларнинг меҳнатларини ҳаққоний баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида корхонанинг алоҳида ўз меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш мумкинми?

Д.КАМОЛОВ
Қарши шаҳри

Жавоб: Ўзбекистон Республика Меҳнат Кодексининг 153-моддасига биноан меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди. Меҳнат ҳақи шаклли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Кўриниб турибдики, нодавлат мулк шаклига мансуб корхона ва ташкилотларга меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизимини танлашда мустақиллик берилган.

Биздаги маълумотларга кўра, одатда меҳнатга ҳақ тариф сеткаларини қайта кўриб чиқиш юклатилган. Шунга биноан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 2 апрелдаги 12/1100 сонли хати билан иш ҳақи жамғармасининг тариф қисми корхона бўйича 67 фоиздан (шу жумладан, ишчилар ва кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар учун 70 фоиздан, раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар учун 57 фоиздан) кам бўлмаслиги тавсия этилган.

МКнинг 155-моддасига биноан ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги лозим. Айтиш жоизки, энг кам меҳнат ҳақи ва энг кам иш ҳақи ўртасида фарқ бор. Шу боис, агар тариф тизими қўлланилаётган бўлса, муайян ходимнинг энг кам меҳнат ҳақи миқдорини аниқлаш учун - республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақини шу ходимнинг тариф коэффициентига кўпайтириш лозим.

МКнинг 156-моддасига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, шу тартибда (яъни 153-моддада кўрсатилган тартибда) ўзгартирилади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг якка шартларини ходим учун ноқулай томонга ўзгартиришга тўлашнинг ижтимоий-адолатли тизимини жорий этишга кўмаклашиш;

— меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида асоссиз табақаланиш ва камситишларни бартараф этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни ўрнатиш йўли билан иш ҳақининг кафолатланган (яъни тариф) қисмини ошириш, бир хил қийматдаги меҳнат учун ходимларни тенг рағбатлантириш тамойилига риоя этиш мақсадларига эришиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тармоқ ва локал ҳужжатларни касаба уюшмалари билан келишиб олиш таомилидан самарали фойдаланиш;

— меҳнатнинг янги меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишларида иштирок этиш, иш ўринларини шаҳодатлаш жараёнида меҳнат меъёрлари қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш;

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг нотариф тизими қўлланилишини имкон қадар чеклаш;

— жамоа музокаралари жараёнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам соатбай миқдорларини, ишларнинг технологик турлари бўйича ишчилар учун кўпайтирувчи тармоқ коэффициентларини ўрнатиш, иш ҳақини ноқонуний равишда натура шаклида тўланиши тақиқланишига риоя этиш;

— иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш учун барча қонуний чоратадбирлар кўриш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари	Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари	
	тариф тизим	нотариф тизим
Вақтбай	оддий вақтбай, вақтбай-мукофотли	ўзгарувчан окладлар тизими
Ишбай	бевосита ишбай, ишбай-мукофотли, ишбай-прогрессив, билвосита ишбай, аккорд	комиссион тизим

тўлашнинг асосан вақтбай ҳамда ишбай шакллари ва қуйидаги жадвалда келтирилган тизимлари қўлланилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг жамоа шартномаси билан қабул қилинган шакли ва тизимларини жорий этиш ва амалда қўллашда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарори билан хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини оширишни, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг истисно тариқасида технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда (агар меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса) ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилиши мумкин. Бўлажак ўзгартириш ҳақида ходим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим.

Ходимлар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилот - касаба уюшмаларининг - меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— иш ҳақининг меҳнатга ундовчи ролини кучайтиришга, унумдор ва сифатли меҳнатни рағбатлантирувчи омилларни яратишга, меҳнатга ҳақ

Биздан сўраган эдингиз

Савол: Мен ташкилот раҳбарининг буйруғи билан бир ҳафта хизмат сафарида бўлдим. Аммо, қайтиб келганимдан сўнг бош ҳисобчи харажатларни тўламаслигини айтди. Негаки, сафар ҳақидаги буйруқ расмийлаштирилмаган экан. Менга хизмат сафари ва унга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.

А.ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти

ХИЗМАТ САФАРИ ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ

Саволингизга ҳуқуқшунос Йўлдош Турсунов жавоб беради

Жавоб: Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши хўжалик субъектлари ишлаб чиқариш, иқтисодий алоқаларнинг янада фаоллашувига, ходимлар томонидан бошқа ҳудудларда хизмат вазифаларининг бажарилиши эҳтиёжини ортишига олиб келди.

Бошқа маъмурий ҳудудга (бошқа туман, шаҳар, вилоят) хизмат зарурати туфайли ходимнинг юборилиши уларга муайян ноқулайликлар туғдиради, қўшимча моддий харажатларга сабаб бўлади, ана шундай шароитда ўз хизмат вазифаларини корхона жойлашган ҳудуддан бошқа шаҳар ёки туманда бажарилишлар билан боғлиқ равишдаги қилинган қўшимча харажатларни қоплаш, етарли ижтимоий-иқтисодий кафолатлар берилиши меҳнат қонунчилигининг вазифаларидан ҳисобланади.

Ходимларни корхона жойлашган ердан бошқа ҳудудга хизмат сафарига юбориш асослари, шартлари ва тартиблари, бу пайтда тўланадиган компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 10-боб 169-173-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ходимни хизмат сафарига юбориш ҳақида иш берувчи буйруғи мажбурий бўлиб, уни ходим ушбу корхона ички меҳнат тартиби қоидаларига, иш вақти ва дам олиш вақти режимига амал қилиши лозим бўлади.

Хизмат сафарига юборилган ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Унга қуйидаги харажатлар қопланади:

Турар-жой ижараси харажатлари тақдим этилган ҳужжатлар асосида тўлиқ қопланади. Тегишли ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда ҳар бир кун учун энг кам иш ҳақининг 2% миқдорида тўлаб берилади. Башарти корхона хизмат сафари давомида ходимни бепул шинам турар-жой билан таъминлаган бўлса, у ҳолда турар-жой ижараси ҳақи тўланмайди.

Суткалик пул Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг марказларида хизмат сафарида бўлган чоғларида ҳар бир кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10% миқдорида, бошқа аҳоли пунктларида эса 8% миқдорида берилади.

Аммо бу миқдор энг кам кўрсаткич бўлиб, корхоналар ва ташкилотлар жамоа шартномаларида, тармоқ жамоа келишувларида ҳамда ходим билан тузилган меҳнат шартномасида унинг анча кўп миқдори назарда тутилиши мумкин.

Ходим хизмат сафарига жўнаб кетишидан олдин тегишли харажатлар ҳисобидан аванс берилади. Сафардан қайтган ходим 3 кун ичида аванс ҳисоботини тақдим қилиши шарт.

Хизмат сафари жойида касал бўлиб қолган ходимга умумий асосларда вақтинча меҳнатга яроқсизлик нафақаси тўланади, хизмат сафари муддати эса тегишлича узайтирилади.



Савол: Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва иш фаолияти билан боғлиқ айрим қонун ҳужжатлари ҳақида маълумот берсангиз.

Р.ВОҲИДОВ
Нурота тумани

ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Саволингизга «BEHZOD-KAFOLAT» адвокатлик фирмаси директори Муҳаммад Абдуллаев жавоб беради

Жавоб: «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 26 августдаги 693-П-сонли қарори билан амалга киритилган.

Ушбу қонунда фермер хўжалигини ташкил этиш, фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари бериш, фермер хўжалиги томонидан ер ва сувдан фойдаланиш, фермер хўжалигида меҳнатни ташкил этиш тартиблари, фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фермер хўжалиги фаолиятининг ташкил этилиши, шунингдек фермер хўжалигини тугатиш қоидалари белгиланган.

Фермер хўжаликларига ер участкаларини ижарага бериш Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги Низом (мазкур Низомга Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган) асосида амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг 2-бандига мувофиқ, ер участкалари фермер хўжаликларига танлов асосида ижарага берилади.

Ижара муддати эса «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши қайд этилган. Шунингдек, ушбу моддада фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланишлари белгиланган.

Ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги хўжаликнинг бизнес-режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар, насл олинадиган новвослар, бўрдоқига боқиладиган новвослар) ва отлар учун - 1.0, ёш қорамоллар учун - 0.6, қўй ва эчкилар учун - 0.1, чўчқалар учун - 0.3 ҳамда паррандалар учун - 0.025.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда:

Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда - камида 0,30 гектарни;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги суғориладиган ерларда - камида 0,45 гектарни;

суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда - камида 2 гектарни ташкил этади.

Ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами:

пахтачилик ва ғаллачилик учун - камида 10 гектарни;

боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун - камида 1 гектарни ташкил қилади.

Фермер хўжалигида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузиш ва улар меҳнатидан фойдаланиш, амалдаги Меҳнат кодексига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорининг 9-иловаси билан тасдиқланган «Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисида»ги Наъмунавий шартнома асосида амалга оширилади.

Давлат фермерлар тўғрисида қонун қабул қилиш билан бирга, ушбу қонуннинг 29-моддасида фермер хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари шарт.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган паррандалар, шунингдек омихта ем сотиб олишда кўмаклашадилар;

фермер хўжаликларининг чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиб берадилар;

фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашадилар;

ноқишлоқ хўжалик йўналишидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этаётган фермерларни рағбатлантирадилар;

консалтинг, ахборот йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатадилар.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари фермер хўжаликларига ҳам татбиқ этилади.

Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш қонуннинг 30-моддасида белгиланган бўлиб, унга асосан фермер хўжалиги давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланган.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддаси ва қайд этилган Низомнинг 8-бандига мувофиқ фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас. Бу ҳолатларнинг амалга оширилиши ўз навбатида маълум бир оқибатларни юзага келишига олиб келади.

Фермер хўжалигини тугатиш асослари ва тартиби «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 32-33 – моддаларида белгиланган бўлиб, унга асосан фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида;

фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;

фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида, ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса.

Ушбу ҳолатларда фермер хўжалиги фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига биноан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

Кизилтепа туманидаги «Кизилтепа-парранда» хиссадорлик жамиятида болаларнинг арча байрамига кизғин ҳозирлик кўрилди. Айни пайтда корхона ҳомийлигида туманда истиқомат қиладиган қариялар, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга ҳам тухум ва пархез гўшти тарқатилмоқда.

ЖАЖЖИЛАРГА СОВҒАЛАР

Паррандабоқарлар учун 2005 йил юксалиш йили бўлди. Шу йилнинг ўзида корхонада паррандалар сони 50 мингтага етди. Янгидан 40 та иш ўрни очилди. Ўтган йилга нисбатан бир миллион дона кўп тухум етиштирилди. Улар келгуси йилда паррандалар сонини икки баравар кўпайтириш, эл дастурхонини парҳез гўшт ва тухум билан янада тўкин қилишга бел боғлаган.

ЖАНУБ НИҲОЛЛАРИ

Субтропик иқлимга эга Сурхон воҳаси боғбонлари етиштирган кўчатлар мамлакатимизнинг шимолий минтақаларида ҳам ўстирилмоқда. Узун ўрмончилик хўжалиги боғбонлари Хоразмдаги Маъмун академияси атрофини ва шаҳар хиёбонларини ободонлаштириш мақсадида минг туп манзарали ва ноёб арча ниҳоллари жўнатди.

Бунгача хўжаликнинг Азамат Маҳмудов раҳбарлик қилаётган кўчатчи боғбонлари Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманига ҳам шунча кўчат юборган эди. Шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Андижон вилоятларига ҳам шартнома асосида 12 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб бериш кўзда тутилган.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБИ

Бухоро шаҳридаги 35-мактабда бир минг 800 нафар ўқувчи таълим олади. Бу ерда илғор педагогик технологиялар кенг қўлланилиши, аксарият ўқитувчилар малакаси юқорилиги боис таълим самарадорлиги тобора ошмоқда. 500 дан зиёд ўқувчи турли фан тўгаракларига жалб этилган. Мактаб ўқувчилари республика олимпиадалари ва танловларида яхши натижаларга эришяпти.

- Бу йил 17 нафар битирувчимиз олий ўқув юртларига ўқишга кирди, - дейди мактаб директори Гулчеҳра Равшанова. - 9-синфни битирган 218 нафар ўғил-қиздан 22 нафари академик лицей ва гимназияларда, қолганлари эса турли касб-ҳунар коллежларида таълим олмоқда.

Мазкур мактаб яқинда ўтказилган «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, 2006 йилда танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ИНФОРМАЦИЯ

о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ОАО SUVMASH

Порядковый номер сообщение – 09.
Решение общего собрания акционеров

Вид общего собрания: внеочередное
Форма проведения общего собрания очная
Дата проведения общего собрания: 28 декабря 2005 года
Место проведения общего собрания: г.Ташкент, ул. Хусайн Бойкаро, 13

Кворум общего собрания: 99,06%, в собрании приняли участие в совокупности 111 107 голосов из общего количества голосов – 112 159.

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:

1.Утверждение регламента общего собрания (проголосовали: за – 111 107 голос. акций или 100 %, против – нет , воздерж. – нет).

2.Утверждение решения о проведении аудиторской проверки за 2005 год, утверждение аудиторской фирмы «USTO-VIKTORI» и предельного размера оплаты ее услуг за 2005 год.

(проголосовали: за – 111 107 голос. акций или 100 %, против – нет, воздерж. – нет).

Полные формулировки решений, принятых общим собранием:

По первому вопросу: Утвердить регламент общего собрания.

По второму вопросу: Утвердить решение о проведении аудиторской проверки за 2005 года аудиторской фирмой «USTO-VIKTORI» и установить пределный размер оплаты ее услуг за 2005 год 3500,0 тыс. сум

Хурматли ишбилармон жаноблар ҳамда ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

Биржа тизимида, республика миқёсида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар филиаллари иштирокида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 53 «Б» уй манзилида жойлашган тугатилаётган «Ўзбектўқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1500 дан ортиқ, бошланғич баҳоси 1 миллиард 330 миллион сўмдан зиёд бўлган турли русумдаги мол-мулклар, яъни:

– кран балкалар;
– генераторлар;
– чилангарлик, винт кесувчи дастгоҳлар;
– вертикал ва горизонтал пармалаш дастгоҳлари;
– вертикал ва горизонтал фрезерлик дастгоҳлари;
– ўйиш дастгоҳлари;
– турли оғирликдаги гидравлик ва бошқа пресслар;
– резба чиқарувчи дастгоҳлар;
– пайвандлаш аппаратлари;
– кранлар ва бошқа турли асбоб-ускуналар қўйилган.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Бу қулай имкониятни бой берманг. Айниқса, биржа савдоларига қўйилиб сотилмаган асбоб-ускуналар бошланғич баҳосига нисбатан босқичма-босқич пасайиш механизми қўлланилаётганлиги Сизнинг сармоянгизни тежаб, имкониятингиз ошишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Азизлар! Ҳозирги кунда тадбиркорлик, айниқса, ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ишбилармонларга ҳукуматимиз томонидан барча ҳуқуқий кафолат ва имтиёзли яратилди.

Шундай экан, Сиз ўзингиз ва фарзандларингиз порлоқ келажагини таъминламоқчи бўлсангиз, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишингиз учун зарур бўлган, арзон ва қулай асбоб-ускуналар ва бошқа мулкларни сотиб олинг!

Биржа савдоларига чиқарилган мол-мулклар рўйхати билан РКМБ тизими марказлаштирилган электрон биржа савдоси листингги ҳамда РКМБнинг Интернетдаги сайти (www.rkmb.uz) орқали танишиш имкониятига эгасиз.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй.

Телефонлар: 136 15 28, 136 26 26, 399 80 26

Факс: 136 06 17. www.rkmb.uz

Шунингдек, республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган биржанинг филиаллари биржа савдоларида Сизларнинг узоғингизни яқин қилишга мунтазирлар.

РКМБ ҳудудий филиаллари телефонлари: Қорақалпоғистон Республикасида (361) 222-84-44, 224-17-10, Андижонда (3742) 24-36-88, 24-37-86, Бухорода (36522) 3-71-30, 3-71-36, Жиззахда (37222) 2-35-77, 2-34-16, Қашқадарёда (37522) 6-01-70, 6-01-03, Навоийда (43633) 4-64-31, 4-15-67, Наманганда (36922) 6-27-01, 6-54-47, Самарқандда (3662) 33-80-11, 33-80-56, Сурхондарёда (37622) 7-25-49, Сирдарёда (3672) 26-28-93, 26-45-38, Фарғонада (3732) 24-68-70, Хоразмда (36222) 6-43-64, 6-32-63, Тошкент вилоятида (371) 132-00-37, 133-77-18, Тошкент шаҳрида (371) 144-44-42, 144-44-73, Нукус шаҳрида (361) 222-00-84

Эслатма

РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объект ва мулкларга икки ва ундан ортиқ харид томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишда давом этиб нархлар эркин шаклланади.


ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Фидокор халқимизни ва барча тармоқ ишчи-хизматчиларини Янги – 2006 йил билан самимий муборакбод этади.





«ЎзДЭУ» АВТО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ


Республикамиз меҳнат аҳлини кириб келаётган 2006 йил билан қизғин муборакбод этади. Янги йилингиз омадли ва баракотли келсин!















ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ



Ҳур Ўзбекистонимизда тинчлик-хотиржамлик доимо ҳукмрон бўлсин!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ



Жаннатмакон она юртимизга кўз тегмасин.
«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да барча ишларингиз бароридан келсин.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ



Оллоҳ назари тушган муборак заминда яшаётган фидокор халқимиз осуда ва бахтли ҳаёт кечирсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ



Янги йилимиздан умидимиз кўп,
Яхши ниятимиз — ярим бахтимиз.
Кўнглимиз булоқнинг сувидек шаффоф,
Ижобат бўлгуси эзгу аҳдимиз.

ОЛМАЛИҚ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Она Ўзбекистонимизни фидойи меҳнатимиз ила улуғлайлик. Эл-юрт учун камарбаста, саховатпеша инсонлар асло кам бўлмасин!



Бор бўл, оқибат!

БАХТЛИ ОИЛА

Қўқон шаҳар хусусий диагностика маркази Фарғона вилоятидагина эмас, балки республикада намунали тиббиёт муассасаларидан бири. Унга моҳир ишбилармон — шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Ўктам Курбонов раҳбарлик қилаётир.

Шунга ҳам ўн беш йил бўлибди. Диагностика маркази ҳали давлат тасарруфида эканлигидаёқ Ўктамжон бир ишга қўл урди. У «Пахтабанк»дан кредит олиб, хўжалик ҳисобида ташхис бўлими очилишига бош-қош бўлди. Бу улкан ишнинг дебочаси эди. 1997 йилга келиб бўлим кенгайтирилиб, хусусийлаштирилди. Унинг соҳиби энди Ўктамжон эди.

Ўтган йиллар бесамар кетмади. Марказнинг иши йилдан йилга, кундан кунга юксалиб борди. Бу ерга келувчиларнинг кети узилмайди. Сабаби оддий. Марказ Япония, Швейцария ва Германияда ишлаб чиқарилган юксак даражадаги аппаратура ҳамда асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Жумладан, функционал-диагностика хонасидаги CS-200 кардио аппаратураси юрак фаолияти давомида пайдо бўладиган биопотенциалларни ҳам тинч ҳолатда, ҳам зўриқиш пайтида ўрганади. Бу ўз-ўзидан аниқ ташхис қўйиш имкониятини оширади. Шунингдек, у юрак фаолиятига доир қатор жараёнларни кузатиш, хулосалаш хусусиятига эга. Ультратовушли диагностика хонасида Японияниг «Ташибо» фирмаси маҳсулоти CC-140-А ҳамда Германиянинг «Доллер» фирмаси ишлаб чиқарган «Аустик имижинг» ускуналарида юрак-қон томири тизимининг фаолиятини ўрганиш учун органларнинг анатомик тузилиши ҳамда улардаги қон айланиш тизими кузатилади ва юрак хасталикларига олиб келган ҳолатлар аниқланади. 3-хонада эса қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак хасталиклари юзасидан ташхис қўйилади. 4-хонада кўз касалликлари бўйича келган беморларни Ўктамжоннинг рафиқаси, малакали мутахассис, олий тоифали шифокор Маъмурахон Курбонова қабул қилади.

Марказнинг моддий аҳволи ҳам ҳавас қилса арзигулик. Хизматлар пулли, айни пайтда ёрдам сўраб келган, кам таъминланган ночор кишилар, боқувчисини йўқотган ва якка-ёлғизлар, етим-есирларга бепул хизмат кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 500 нафар ана шундай кишиларга ташхис қўйилди. Шунингдек, уларга бепул шифокор маслаҳати ҳам берилди. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, тадбиркор-шифокор Ўктам Курбонов яшаш тарзи ҳавас қилгулик. Уч нафар фарзанд ота-оналари сингари тиниб-тинчимас ёшлар. Жумладан, тўнғич ўғил Хуршидбек халқаро миқёсдаги ҳуқуқшунос бўлиш ниятида Вена университетида таҳсил олмоқда. Азизбек Тошкент тиббиёт академиясининг 5-курс талабаси, Матлубахон эса бўлажак фармацевт.

Ўктамжоннинг режалари улкан. У марказни янада мукаммал масканга айлантиришга ҳаракат қилаяпти.

Тадбиркорлик ҳаракати бошланган кунлардаёқ Расулжон Мелибоевнинг дилидаги орзулар туғён урди. У елиб-югуриб, Фуркат туман ҳокимлигининг қарори билан «Рўзиматжон ота» кўп тармокли ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. Фирма турли хил кандолатчилик ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб-чиқаришга ихтисослашган эди.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Илк даврда фирмада 7 нафар киши иш бошлаган бўлса, йил сайин улар сони ошиб борди. 2001 йилда фирма 4 хил момиқ, 2 хил метрли сочиқ тўқиб, 10 миллион 415 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди. Шу йил фойданинг миқдори 2 миллион 293 минг сўмни ташкил этди. Кўрилган фойда ҳисобидан фирмага қўшимча 3 дона АТМ-175 тўқув дастгоҳи сотиб олинди.

Фирманинг ишлари кун сайин яхшиланиб борди. Вақт ўтиб, фирмани янада кенгайтириш ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилди. Бу эса дастгоҳлар ҳамда тикув машиналари сонини кўпайтиришни тақозо этди. Шундай қилинди ҳам. Натижада 2003 йилда 16 миллион 38 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шундан 3 миллион 151 минг сўмлик фойда олинди, 40 та иш ўрни яратилди. Демак, шунча кишининг рўзғори обод бўлди.

Фирма раҳбарияти серҳиммат. «Қўқон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Абдулла Қаҳҳор номли мактаб, «Шоимбек» қишлоғи болалари қатнайдиган боғча, кам таъминланган, кўп болали оилалар, якка-ёлғиз ҳамда боқувчисини йўқотганларга мунтазам равишда меҳр-саховат кўрсатилмоқда.

ҲИММАТ

Яйпан туманидаги «Ишонч» масъулияти чекланган жамияти 1999 йилдан буён фаолият юритяпти. Жамият фуқайка, йўл қурилиши ишчилари ва бошқа соҳа кишилари учун махсус иш либослари ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, пахта хомашёсини қайта ишлаб аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Жамият билан «Ўзнефтгаз»нинг Андижон бўлинмаси ҳамда Фарғона пахтасаноат бирлашмаси ўртасида шартнома тузилган бўлиб, жамият маҳсулотининг асосий харидори шулардир. Жамият раҳбари Маҳмудали Қўчқоров ишни юритишда жонбозлик кўрсатмоқда. Унинг саъй-ҳаракати ўлароқ жамият ўтган қисқа давр мобайнида адл қад ростлади. Дастлаб бир неча нафар ишчи кучи бўлган бўлса, бугунги кунда 70 нафарга етди. Ойлик маош ишбай. Янги йилдан бошлаб яна 12 нафар кишининг ишга тортилиши кўзда тутиляпти.

Жорий йил 75 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Даромад ҳам чакки бўлмади. Меҳр-саховат кўрсатиш имконияти туғилди. Жумладан, «Ногиронлар» жамиятининг биносини таъмирлашга ҳамда уларнинг коммунал тўловларини тўлашга қарашилди. Кам таъминланган бир оиланинг иқтидорли фарзанди учун мусиқа мактабига бадал пули ўтказилди. Шунингдек, «Туркистон» фуқаролар йиғини ташкил этаётган тадбирларда ҳам жамият фаол қатнашмоқда.

Шарофат ИСКАНДАР қизи,
«Ишонч» мухбири





Тошкент телевидениесида «Янги йил базми» байрам дастурининг суратга олиш жараёни.

А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

СПОРТЧИ ҚИЗЛАР ДОВРУҒИ

Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг йиғилишида хотин-қизларнинг спортга кўпроқ жалб этилиши нафақат уларнинг ўзини, балки жамиятнинг соғлом бўлишида муҳим рол ўйнашини алоҳида таъкидлаган эди. Ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол ёш авлодни вояга етказиш тарбиянинг асосий воситаларидан бирига айланди.

Қамаши туманидаги «Ёртепа» саноат-қурилиш касб-ҳунар коллежида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга катта эътибор берилаяпти. Шунинг учун ҳам талабалар орасидан туман ва вилоят довруғини мамлакатга ёйган ўнлаб донгдор спортчилар етишиб чиқди.

Барчин сумбатли Роҳила Муҳамбилова спортнинг мураккаб тури – оғир атлетика билан шуғулланади. Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида иштирок этиб тенгдошлари орасида тенгсиз эканлигини исботлади. Биринчи даражали диплом ва олтин медал билан тақдирланиб, учинчи бор Ўзбекистон чемпиони бўлди. Республика ёшлар терма жамоаси сафига қабул қилинди.

– Қизимиз туманда Маҳам полвон деб ном чиқарган чавандоз бобосига тортди, – дейди отаси Мойли Ҳайиталиев. – Қамашиликлар шаҳар кўчаларининг бирида томоша кўрсатилаётган жойда катта айиқни даст кўтарган Маҳам полвоннинг куч-қудрати ҳақида ҳозиргача сўзлаб юрадилар.

Ёшлигидан спортга меҳр қўйган полвон қизнинг истеъдодини ўстириш, маҳоратини оширишда устози, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича директор ўринбосари, оғир атлетика соҳасида спорт устаси, олий тоифали мураббий Тоҳир Фармоновнинг хизмати катта. У Роҳиладаги қизиқишни вақтида англаб, машғулотларда фаол қатнашишига даъват этди. Дастлаб қўл тўпи мусобақаларининг иштирокчиси сифатида бундан икки йил муқаддам Андижонда ўтказилган «Баркамол авлод» ўйинларининг республика босиқичида фаол қатнашиб, яхши натижага эришди. Миллий кураш ва ядро улоқтириш бўйича вилоятда биринчи ўринни эгаллади.

Шаҳардаги Амир Темур номли ўрта мактабни тугаллаган ўсмир қиз илк бор жисмоний тарбия фани муаллими Мусурмон Шоймардонов ва бобоси Маҳам полвондан ядро улоқтириш сир-асрорларини ўрганди. Касб-ҳунар коллежида Роҳиланинг истеъдоди ёрқинроқ намоён бўла бошлади. Икки йил муқадам Тошкент шаҳридаги Марказий ҳарбий спорт клубида Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилди. Ўшанда 69 килограмм вазнда 92,5 килограмм тош кўтариб, мамлакат кубогининг соҳибаси бўлди.

Жуссасидан куч-ғайрат ёғилиб турган қиз нафақат оғир атлетика соҳасида, балки чеварликда ҳам ўзини кўрсатган. Онаси Малика Ибодованинг таъкидлашича, Роҳила бежирим нақшли зардўзлик буюмлари, чиройли ва хушбичим куйлаклар тикади. Топган пулини мусобақаларга бориш учун кетадиган харажатларга ишлатади. Оғир тошларни кўтарган забардаст қўллари билан кўзни олгувчи нозик, жимжимадор нақшли буюмлар тикканлигини кўриб қойил қоласиз.

– 2005 йил баҳорида Бухорода ўтказилган чемпионатда учинчи марта ғолибликни қўлга киритдим, – дейди биз билан суҳбатда Р.Муҳамбилова. – Ниятим Осиё чемпионатида қатнашиб, қитъа совриндори бўлиш. Роҳила эзгу ниятига етиш учун тинмай машқ қилаяпти. Ўқув масканида яратилган қулайликлар уни янги муваффақиятлар сари чорламоқда.

Касб-ҳунар коллежида спортнинг 12 тури бўйича машғулотлар олиб борилаяпти. Оғир атлетика гуруҳида 13 нафар қиз шуғулланмоқда. Улар республика ва вилоят мусобақаларининг совриндорлари. Касб-ҳунар коллежининг собиқ талабаси Хуршида Фармонова 2003 йили Андижон шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» беллашувларида енгил атлетика бўйича бронза медалини олган ва Қарши Давлат университетига имтиёзли равишда қабул қилинган. Тикувчилик бўлими талабаси

Фахр

Зумрад Арабова 2004 йил сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган «Шарқ гўзали» халқаро танловида иштирок этган. Ўқув муассасасида бундай талантли ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

Илгарилари Қашқадарёда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга етарли аҳамият берилмас эди. Эндиликда туман марказлари ва қишлоқларида бадиий гимнастика заллари қуришга киришилди. Ана шундай масканлардан бири Шаҳрисабзнинг «Ҳисор» ўйингоҳида бунёд этилди.

Тумандаги «Агроснабтаъмир» хусусий корхонаси бунёдкорлари кучи билан барча талабларга жавоб берадиган бадиий гимнастика зали барпо этилди. Янги иншоотга «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси вилоят филиали томонидан қарийб 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Спорт гимнастикаси шарафини ҳимоя қиладиган вилоят терма жамоасининг асосини шаҳрисабзликлар ташкил этади. Айни пайтда 200 га яқин ўсмир тажрибали мураббий Хайрулла Жабборов раҳбарлигида бадиий гимнастика сирларини қунт билан ўрганишаяпти.

И.ТИЛЛАЕВ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Санъатга ошно қалбли кишидан ёмонлик чиқмаслигини ҳаётнинг ўзи исботлаган. Мамлакатимизда истиқлол йиллари барча соҳалардаги сингари санъатга эътибор ортганлиги ҳам бежиз эмас. Буни Жиззах санъат коллежи мисолида кўриш мумкин.



САНЪАТГА ОШНО ҚАЛБЛАР

Бундан икки йил аввал коллеж пастқам жойни тарк этиб, шаҳарнинг қоқ марказига шинам ва кўркам бинога кўчиб ўтди. Ўқув машғулотлари учун барча шароитлар муҳайё этилди.

Шуниси қувончлики, мустақиллик туфайли ўқув машғулотларида миллийлик ривожланди. Илгари ўқувчи ҳар ярим йилда бир бора аттестация қилинганда, 4 та синовнинг 3 тасини Ғарбий Европа ва бошқа композиторлар асарлар ташкил этарди. Бу ўқувчи миллий руҳини ўтмаслаштирибгина қолмай, унинг келгуси иш фаолиятига ҳам салбий таъсир этарди.

Эндиликда бунга барҳам берилиб, аввалари ҳатто тушга ҳам кирмаган анъанавий ижрочилик йўналишлари – ҳофизлик, чолғу ижрочилик бўлимлари очилди. Фаолиятимизда салкам унутилаёзган мақом, шошмақом, Фарғона, Тошкент мақомларини ўрганиш тикланди. Коллежимизда 5 та кафедра бўлиб, 12 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ҳаётга йўлланма олаётган барча ўқувчиларимиз иш билан таъминланмоқда...

300 нафар ўқувчига 78 ўқитувчи билим ва касб сирларини қунт билан ўргатиб келишаяпти. Устозларнинг 2 нафари фан номзоди, 32 нафари тоифали ўқитувчилардир. З.Низомиддинов, Р.Раҳимов, И.Абдураҳимов, А.Очилов сингари изланувчан, янгиликка интилувчан педагоглари талабалар ўртасида катта обрў-эътибор қозонишган.

Мустақиллик йилларида миллий эстрада, драма актёрлиги, мусиқа назарияси, хор дирижёрлиги, махсус фортопиано, академик хонандалик сингари янги йўналишлар очилиб, буларга ёшларимизнинг қизиқишлари тобора ортиб бораётгани кишини қувонтиради.

Нарзулла ТОШТЕМИРОВ,
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Футбол

АДОЛАТЛИ НАТИЖА

Ҳамма ҳам холис баҳо беришга қодир эмас. Лекин «Манчестер Юнайтед» клуби бош мураббийи сэр Алекс Фергюсон ҳақида бундай деб бўлмайди. Куни кеча миллий чемпионатда навбатдаги учрашувни «Бирмингем» билан ўтказган унинг шогирдлари 2:2 ҳисобида дурангга эришгач, таниқли футбол мутахассиси очиғини тан олди:

– Биз керакли натижага эришдик, - деди у. – Лекин рақибларимиз аъло даражада ҳаракат қилдилар ва икки бор ҳисобни тенглаштиришнинг уддасидан чиқдилар. «Бирмингем» бир очко ишлаб олишга юз фоиз ҳақли эканлигини исботлай билди.

Фергюсоннинг ранжиганича бор. Турнир жадвалини бошқариб бораётган «Челси» қийинчилик билан бўлса-да, яна зафар қучди. «Манчестер Сити» билан кечган баҳсда Джо Коул томонидан киритилган гол Жозе Моуриньо шогирдларига уч очко келтирди. Энди «Челси» ва «Манчестер Юнайтед» клублари тўплаган очколар сонидаги фарқ 11 тага қадар кўпайди.

Бокс

ПРОМОУТЕР СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

«Ҳеч кимнинг ҳақини еб қўйма, айни вақтда ўзингнинг ҳақингни ҳам ҳеч кимга берма», деган ҳикмат бизга Ғарб донишмандларининг ўгити сифатида кириб келган. Чамаси америкалик промоутер Джо О'Дониелл WBA йўналиши бўйича оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлмиш Николай Валуевга промоутерлик даъвоси бўйича судга киритган аризаси ҳам ана шу ақидага мос келса керак. Аммо бу суд машмашаси россиялик боксчига ўз унвонини Вилфрид Заурланд ва Дон Кинг промоутерлигида ҳимоя қилишига халал беролмайди. О'Дониелл товон пули ундириши мумкин холос. Бунинг эса на Валуевга ва унинг янги раҳнамоларига оғирлик жойи йўқ. Гўё дарёдан томчи, деганларидек, улар ҳар қандай қарздан осонгина қутилишлари мумкин.

Олдинда янги зафарлар ва сон-саноқсиз сармоя кутиб турибди, ахир уларни.

Теннис

МУСОБАҚАДАН БИР ҲАФТА ОЛДИН

Хабарингиз бор, «Australian Open» очиқ чемпионати 9 январда старт олади. Лекин қарангки, ҳозирданоқ йўл тадоригини кўраётган спортчилар ҳам бор экан. «Ролан Гаррос-2005» турнири чемпиони бельгиялик Жюстен Энен-Арден янги йилнинг 3 январида Сиднейда бўлишини билдирди.

Бу бежизга эмас, албатта. Спортчининг расмий сайтида маълумот берилишича, Жюстен янги йилда иложи борича кўпроқ турнирларда иштирок этиб, ўзини қийнаган жароҳат аламини шу йўл билан олмоқчи.

Пойга

ЗАҲИРАДАН ФИНИШГА ТОМОН

Кейинги йилда Нил Яни, ўзининг айтишича, пойгачининг сояси бўлишга ва заҳирада қолишга ҳам рози. 22 ёшли швейцариялик спортчининг эътироф этишига қараганда, агар бирор муаммо туғилиб қолгудек бўлса-да, ўша заҳоти пойгага фаол қўшилишга тайёр.

– Мен пойгага шайман, - деди у. – Албатта, мен шерикларим Тони ёки Скоттга ёмонлик тиламайман. Бироқ, ҳаётда ҳар қандай ҳолат юз бериши мумкин. Мен жон-жаҳд билан машғулотларда қатнашмоқдаман ва бу бежизга эмас. Ҳар қандай вазиятда ишончни оқлашга тайёрман.

Шоҳмат

ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА БАҲС

Чувашия ўз тарихида биринчи марта ўсмирлар ўртасида Россия биринчилиги иштирокчиларини қабул қилишга ҳозирлик кўрмоқда. Албатта, бунинг ўзи эмас. Бироқ, республика ҳукуматининг ишонч билан маълумот беришича, нуфузли мусобақани ўтказишга барча шарт-шароит мавжуд.

Қолаверса, мартгача яна кўплаб ишларни бажариш мумкин.

РУБЛЕВСКИЙ – ПЕШҚАДАМ

Айни пайтда 58-Россия чемпионати давом этмоқда. Қозонлик гроссмейстер Сергей Рублевский 9-турда Александр Халифман билан дуранг ўйнаган бўлса-да, тўплаган очколарига кўра ҳамон пешқадам бўлиб турибди.

Уч гроссмейстер – Евгений Бареев, Вадим Звягинцев ва Дмитрий Яковенко Рублевскийдан бир очко ортда қолмоқдалар.

М.ИБРОҲИМОВ тайёрлади

Қилмиш-қидирмиш

ИЧКИЛИКНИНГ УЙИ КУЙСИН

Суҳробжон ширакайф бўлгани учун юқори тезлик билан кетаётганини ҳис қилмасди. Бехосдан машинасига нимадир қарс этиб урилганини, ёнидаги шиша синганини англади. У машинадан тушиб, асфальтда ётган боланинг бошсиз танаси ва аёл кишининг пажмурда гавдасини кўрди-да, кўз ўнги қоронғулашди. Даҳшатдан бутун вужудида титроқ туриб, бошини чангаллаб қолди: «Болаларимга нима бўлади энди?!»

Воқеани эшитган отаси ўзидан ўтганини ўзи билди. Энди ўғлини қойишнинг ҳам, калтаклашнинг ҳам фойдаси йўқ эди. У воқеа жойига етиб келганда, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари тезкор терговгуруҳини кутиб туришарди.

* * *

Суҳробжон одатдагидек эрталаб ишхонасига бориб, мажлисда иштирок этди. Сўнг келишиб қўйилганидек ҳамкасблари билан бирга Бўстонлиқ туманига жўнади. У ерда ижарага олган уйларида тайёрланган мазали овқат билан «қиттай-қиттай» қилишди. «Суҳбати чор – анда маза бор», дея вақт қандай ўтганини билишмади ҳам.

Соат 18.30 дан бошланган зиёфат ярим тунгача давом этди. Соат 23 ларда Суҳробжон уйини эслаб қолди. Оғайниларининг «қол-қол»ига қарамай йўлга чиқди. Қатнов кам-ку, деган хаёлда тезликни оширди. Ичкилик барибир ўз таъсирини кўрсатди. Қўйлиқ-4 мавзесининг 21-уйи қаршисига етганда ҳали 3 ёшга тўлмаган ўғлини бир қўлида кўтарганча йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтаётган 28 ёшли Зуҳра Парпиева чиқиб қолди...

«Кўза кунда эмас, кунида синади» деган гап бор. Машина бошқараётган одам спиртли ичимлик ичкиликнинг умри-жонига зомин бўлди. Бус-бутун битта оиланинг бағри «ўпирилди».

Гарчанд Суҳробжоннинг ишхонасидагилар, маҳалласидагилар уни ижобий тавсифлашган бўлишса-да, икки инсоннинг ҳаётига чек қўйган жиноятчини қонун кечирмади. Суд уни саккиз йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ф.РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳар, Миробод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси, 1-даражали юрист

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.